

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БАДИИЙ АСАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ

Мамаюсупова С.М. (ЖиззахДПИ)

Ўқиш дарсларига қуйилган замонавий талаблар ўқитувчидан бошланғич синф ўқувчиларини ўқишга жалб қилиш, бадиий адабиётни санъатнинг бир тури сифатида қарашга, асарларнинг бадиий мазмунини, эстетик аҳамиятини ва образлар мазмунини тушунишга эътибор қаратиш талаб этилади. Бадиий асарни яхши идрок этиш учун уни тушунишнинг ўзигина етарли эмас. Асарни идрок этиш мураккаб жараён бўлиб, асарга унда тасвирланган воқеликка қандайдир муносабатнинг юзага келишини ўз ичига олади.


Бошланғич синфларда бадиий асарни таҳлил қилиш методикасида кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бадиий асарни идрок қилишидаги психологик хусусиятлар ҳисобга олинади. Психолог олимларнинг текширишларидан маълум бўлишича, асарни идрок қилишга, билим олишга хизмат қиладиган компонентлар билан бирга, уни эмоционал – эстетик ҳис этиш ҳам киради. Ҳозирги кунда таълимнинг анъанавий тизимидан фарқли ўлароқ модулли ўқиш дарсларининг асосида унинг ҳар бир этапида ўқувчининг фаоллигига асосланган мустақил фаолияти, ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олган ҳар хил даражали модуллар алгоритми асосида таълим жараёнига тўлиқ жалб этиш ётади. Бу жараён ўқувчилар бадиий асарни ўқиб бўлишгач, мазмуни қайта ҳикоя қилишдан бошланади. Ўқитувчи топшириғи билан матнни бўлакларга бўлиш топшириғи берилади. Асар қаҳрамонини аниқлаш, унинг ҳаракатлари ва бу ҳаракатларнинг сабабларини аниқлаш топшириғи берилади. Асарнинг асосий ғоясини тушунишда, ундаги воқеа ҳодисаларга ўқувчининг шахсий муносабатини билдиришга ўргатишимиз керак. Бунинг учун биз адабий асар қаҳрамонларини таҳлил этишга доир қуйидаги саволларни беришимиз мумкин.

1. Асар қаҳрамони билан дўстлашишни хоҳлармидинг?

2. Сен унинг ўрнида бўлсанг нима қилар эдинг?
3. Ҳикоя (ёки эртак) қаҳрамонинг ҳамма ишларини тўғри деб ўйлайсанми? Нима учун у шундай қилди?
4. Қаҳрамонни шундай қилишга нима мажбур қилди? Бошқача ҳам бўлиши мумкин эдими?
5. Қаҳрамондаги қайси сифатлар сенга ёқади? Қайси сифатлар ёки ҳулиқидаги айрим ўзига хосликлар сенга ёқмайди?
6. Унинг одамларга муносабати сенга ёқадими?
7. Қаҳрамонга қандай маслаҳат берган бўлар эдинг?
8. Асардаги воқеалар ичида бўлишни хоҳлармидинг?
9. Асарда бўлиб ўтган воқеаларда ким бўлиб қатнашишни хоҳлар эдинг?
10. Шундай вазиятга тушиб қолсанг қандай чоралар кўрар эдинг (ёки нима қилар эдинг)?
11. Шундай вазиятда ўзингни қандай тутган бўлар эдинг?
12. Агар ҳикоя қаҳрамонлари сизнинг синфингизда ўқиганда синфингиз ҳаётида қандай ўзгариш бўлиши мумкин эди?

Асарда қатнашувчи шахсларга баҳо беришда ўқувчилар ўз шахсий ва ахлоқий тушунчаларидан фойдаланадилар. Бундай ахлоқий тушунчалар кичик ёшдаги ўқувчиларда чегараланган бўлади. Улар ахлоқий сифатлардан ботирлик, тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, яхшилик тушунчаларни кўп ишлатадилар. Қаҳрамонларнинг бошқа сифатларини тасвирлаш учун уларнинг сўз бойликлари етишмайди. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар билан асарни таҳлил қилиб, улар нутқида персонажларнинг ахлоқий, интеллектуал, эмоционал сифатларини тасвирловчи сўзларни кирита боришдан иборатдир. Бу адабий қаҳрамонларнинг характерини яхши

ёритиш шартларидан бири ҳисобланади. Асардаги қаҳрамонларнинг характери уларнинг ахлоқий сифатларини англаш асосида тушунилади. Бунда қаҳрамоннинг нима қилиши эмас, нима учун шундай қилиши кераклигини билиш муҳимдир. Ушбу жараёнда асар қаҳрамонларининг ахлоқий сифатлари устида кўпроқ ишлаш лозим. 4-синфда М.Аъзамнинг “Нурхон билан Бурхон” шеърида Нурхон ва Бурхоннинг хислатларини очишда танлаб ўқиш асосида тармоқлаш усулидан фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга берган саволларига жавобни хаттахтада тармоқлаш усулида ёритиб беради. Масалан, “Бурхон нима учун Нурхоннинг устидан кулди?”, “У йиқилганда, Нурхон нима қилди?” “Бурхон нима учун уялди?” каби саволлар асосида қуйидагича жадвал ҳосил бўлади:



Ўқиш китобларида турли жанрдаги бадиий асарлар ва илмий-оммабоп мақолалар берилган. Исталган асарнинг объектив мазмуни бутун борлиқ, мавжудот, унинг турли томонлари, фактлар ва уларнинг бир-бирига таъсири ҳисобланади. Бадиий асарда ҳаёт образлар орқали тасвирланади. Шунини таъкидлаш керакки, бадиий асар марказида инсон унинг жамият ва табиатга муносабати туради.

Бадиий асарда борлиқни, воқелиқни образлар воситасида тасвирлаш, объектив мазмун ва субъектив баҳони конкрет материалда бериш ҳақидаги қоидалар методика учун катта назарий-амалий аҳамиятга эга. Биринчидан, бадиий асар устида ишлашни ташкил қилишда қаҳрамонлар ва

муаллифнинг асарда тасвирланган воқеаларга муносабати ўқитувчининг диққат марказида туради. Ўқувчилар воқеликни образлар орқали тасвирлашнинг ўзига хос хусусиятларини тушуна бошлайдилар. Иккинчидан, ҳар қандай бадий асарда аниқ тарихий даврдаги воқеалар тасвирланади. Шунинг учун асарда тасвирланган воқеаларга тарихий ёндашилган шахсларнинг хатти-ҳаракати сабабларини тушуниш, воқеаларни ҳаққоний баҳолаши мумкин. Болаларни асарда тасвирланган давр билан қисқача таништириш, кейин ўқувчиларда қатнашувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатини улар яшаган даврни ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолашни ўстириш тушунилади. Учинчидан, ёзувчининг ҳаёти ва қарашлари билан ўқувчиларнинг ёшларига мос равишда таништириш мақсадга мувофиқ. Муаллиф бадий асарда тасвирланган ҳаётий фактларга, ижтимоий ҳодисаларга, жамиятнинг вакилларига ўз муносабатини ифодалашга ҳаракат қилади. Ёзувчининг ҳаётий материалларига баҳоси аниқ фактлар асосида яратилган бадий асарнинг ғоявий йўналиши ёзувчининг дунёқарашига боғлиқ. Тўртинчидан, бадий асарни таҳлил қилишда ўқувчиларни асарнинг ғоявий йўналишини тушунишга ўргатиш муҳимдир, бу асарни тўғри идрок этиш учун, матн устида ишлаш кўникмасини, ўқувчиларнинг дунёқарашини, инсонпарварлик туйғусини шакллантириш учун зарур. Асарнинг тарбиявий аҳамияти, ўқувчига таъсир кучи унинг ғоявий йўналишига боғлиқ. Бадий асар устида ишлашни тўғри ташкил қилиш учун шакл ва мазмун бирлиги ҳақидаги қоида эътиборга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Т. Ғаффорова. “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар” Тафаккур нашриёти Тошкент. 2011 й
2. К. Қосимова, С. Матжон, Х. Ғуломова, Ш. Йўлдошева, Ш. Сариев “Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси” “Маънавият нашриёти Тошкент. 2007 й.